

ИНГЛИЗ ТИЛИДА «ҲАРАКАТ ТАРЗИ» МАЪНОСИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАРНИНГ СЕМАНТИК, МОРФОЛОГИК ВА СИНТАКТИК ХУСУСИЯТЛАРИ

Амирулла Хазратович АБДУЛЛАЕВ

Агентлик директор ўринбосари

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Президент, ижод ва
ихтисослаштирилган мактабларни ривожлантириш агентлиги

Тошкент, Ўзбекистон

СЕМАНТИЧЕСКИЕ, МОРФОЛОГИЧЕСКИЕ И СИНТАКСИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ЛЕКСЕМ, ВЫРАЖАЮЩИХ ЗНАЧЕНИЕ ОБРАЗА ДЕЙСТВИЯ В АНГЛИЙСКОМ ЯЗЫКЕ

Амирулла Хазратович АБДУЛЛАЕВ

Заместитель директора Агентства по развитию Президентских, творческих и
специализированных школ при Кабинете Министров Республики Узбекистан
Ташкент, Узбекистан

SEMANTIC, MORPHOLOGICAL AND SYNTACTIC PROPERTIES OF LEXEMES LEXEMES EXPRESSING 'THE CATEGORY OF ASPECT' IN ENGLISH '

Amirulla ABDULLAEV

Deputy Director of the Agency for the Development of Presidential, Creative and Specialized
Schools under the Cabinet of Ministers of the Republic of Uzbekistan

Tashkent, Uzbekistan a.abdullaev@piima.uz

UDC (УЎК, УДК): 81'373

For citation (иктибос келтириш учун, для цитирования):

Абдуллаев А.Х. Инглиз тилида «ҳаракат тарзи» маъносини ифодаловчи лексемаларнинг семантик, морфологик ва синтактик хусусиятлари // Ўзбекистонда хорижий тиллар. — 2021. — № 1 (36). — Б. 28–38.

<https://doi.org/10.36078/1618551848>

Received: December 5, 2020

Accepted: February 15, 2021

Published: February 20, 2021

Copyright © 2021 by author(s).

This work is licensed under the Creative Commons Attribution International License (CC BY 4.0).

<http://creativecommons.org/licenses/by/4.0/>



Open Access

Аннотация. Ушбу мақола инглиз тилида ҳаракат тарзининг алоҳида мустақил маъноли сўзлар билан бирга, бевосита ҳаракат феъллари ёрдамида ҳам ифодаланиши ўрганиди. Инглиз тилидаги тарз маъноларини ифодаловчи лексемалар сифатида ҳаракат феъллари, равишлар ва қисман янги маъно ҳосил қилувчи турғун бирикмалар ҳисобланган таркибли феъллар ажратиб кўрсатилди, ушбу лексемаларнинг нутқда ифодаловчи тарз маъносига кўра семантик табақаланиши таҳлил қилинди. Шунингдек, инглиз тилидаги тарз маъносини ифодаловчи лексик қатлам бирикларининг турли сатҳлар доирасидаги имкониятлари ёритилди ва лексемаларнинг морфологик хусусиятлари сирасида феълларнинг турли замон шакллари воситасида ўзгариши, равишлар ва ҳаракат феълларининг даражаланиш хусусиятлари изоҳланди. Синтактик хусусиятларига кўра тарз маъноларини ифодаловчи феъл ва равишлар тенг имкониятлар кўламига эга эганлигига оид асосланган хулосалар илгари сурилди. Бундан ташқари, инглиз тилида феъл замонлари кенг қамровли категория эканлиги, ўзбек тилидан фарқли равишда фақатгина кўшимчалар, яъни суффикслар билан чегараланиб қолмасдан, замон маъносини ифодалашда *have, do, will, used to, to be, would* каби кўмакчи шакллардан ҳам фойдаланилиши, бу шакллар замон категорияси сифатида ҳаракатнинг давомийлиги, тугалланганлиги ёки сониявийлиги каби тарз маъноларини ҳам ифодалаш мисоллар асосида очиқ берилди.

Калит сўзлари: акциденция; семантика; тарз категорияси; субкатегория; фрейм; полифункционаллик; грамматик аспект; парадигма; модал курилмалар; морфологик сатх; синтактик сатх; герундий.

Аннотация. В статье исследуется процесс лингвистической репрезентации реальной действительности на английском языке, в котором способ действия выражается не только отдельными смысловыми словами, но и глаголами прямого действия. В английском языке лексемы, выражающие образ действия, отличаются от глаголов действия, форм и глаголов фразеологического характера, которые частично образуют устойчивые соединения, образующие новые значения. В статье анализируется семантическое расслоение этих лексем в соответствии со значением образа действия, которое они выражают в речи, а также описываются возможности единиц лексического слоя, представляющие стилистическое значение в английском языке на разных уровнях, объясняются морфологические особенности лексем, преобразование глаголов через различные формы времени, иерархические особенности форм и глаголов действия. Сделаны обоснованные выводы о том, что глаголы и формы, выражающие образ действия по своим синтаксическим особенностям, имеют равный объем возможностей. Кроме того, автор статьи предполагает, что глагольные времена в английском языке являются широкими категориями, которые отличаются от узбекского языка, который опирается на аффиксацию, а именно суффиксы, и использует *have, do, will, used to, to be, would* в выражении глагольных времен, а также используются для выражения образа действия.

Ключевые слова: случайность; семантика; категория стиля; подкатегория; фрейм; полифункциональность; грамматический аспект; парадигма; модальные устройства; морфологический уровень; синтаксический уровень; герундий.

Abstract. The article examines the process of linguistic representation of reality in English, in which the manner of action is expressed not only by individual semantic words, but also by direct action verbs. In English, the lexemes that express manners differ from action verbs, forms, and verbs of a phraseological nature, which partially form stable compounds that form new meanings, and the semantic stratification of these lexemes is analyzed in accordance with the manner of action that they express in speech. The article also describes the possibilities of units of the lexical layer, which represent the meaning of manners in English at different levels, explains the morphological features of lexemes, the transformation of verbs through various forms of tense, and hierarchical features of forms and action verbs. Justified conclusions are drawn that verbs and forms expressing manner have an equal number of possibilities in accordance with their syntactic features. In addition, the author of the article suggests that verb tenses in English are wide scope categories that differs from the Uzbek language which relies on affixation, in particular suffixes, and employs *have, do, will, used to, to be, and would* in expressing verb tenses, and are used to express manner of action.

Keywords: randomness; semantics; style category; subcategory; frame; polyfunctionality; grammatical aspect; paradigm; modal devices; morphological level; syntactic level; gerund.

Кириш. Бугунги кунда “тил нафақат алоҳида ажратилган ноёб объект сифатида, балки инсон онгидаги барча ўзгаришларни кузатишга йўл очувчи восита, унинг ўзлиги ва жамиятдаги ўрнини англашга имкон яратувчи ҳодиса сифатида ҳам тадқиқ қилина бошланди” (1, 9). Замонавий тилшуносликда тилнинг шаклий хусусиятларига эмас, балки ундаги воситаларнинг семантик имкониятларини ўрганишга қизиқиш ортиб бормоқда. Тилнинг семантик қатламида эса маъно ягона бирликдир. Эътиборимизни тарз воситаларининг маъновий хусусиятларига қаратар эканмиз, авваламбор, ушбу маънони ифодаловчи лексемалар сирасига қандай бирликлар киришини аниқлаб олиш ва ундан кейин ажратиб олинган бирликларнинг семантик хусусиятлари ҳақида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқдир.

Инглиз тилида, ўзбек тилида бўлгани каби, тарз маъноларининг лексик қатламдаги акциденцияси шуки, у бевосита ҳаракат феъллари ва гапда ҳол вазифасини бажарувчи равиш сўз туркумига оид сўзлар орқали амалга оширилади. Шунингдек, ушбу воситалар сирасига, маълум бир маънода, ҳаракат тарзи шакллари ҳам киритиш мумкин. Ҳаракат тарзи шакллари, гарчи, соф лексик ҳодиса эмас, балки лексик грамматик ҳодиса ҳисобланса-да, инглиз фраземикаси — маъноси қисман ўзгарган, ёки буткул ўзгарган турғун бирикмаларни тадқиқ этувчи фаннинг ажралмас бўлаги, асосий устунидир (2, 101). Шундай экан, турли луғавий маъноларга эга сўзлар бирлашиб ўз луғавий маъносидан буткул йироқ янги маъно ҳосил қилса, бундай турғун бирикмаларни лексик ҳодиса сифатида баҳолаш, фикримизча, ўринли.

Асосий қисм. Инглиз тилида тарз маъноларини ифодаловчи лексемалар сифатида ҳаракат феълларини, равишлар ва қисман янги маъно ҳосил қилувчи турғун бирикмалар ҳисобланган таркибли феълларни ажратиб олиш мумкин. Ушбу лексемалар нутқда ифодаловчи тарз маъносига кўра семантик табақаланиши лозим. Ўзбек тилшунослигида тарз ифода воситаларининг маънолари тадрижий жадвал сифатида илк бор О. Шукуровнинг “Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси” монографиясида тадқиқ этилади (3, 90–91). Инглиз тилшунослигида тарз воситалари маъносига кўра айни шундай табақаланган жадвалда тақдим этилмаган бўлса-да, лексемаларнинг тарз семасини инглиз тилшунослари томонидан аниқланган турли грамматик аспектлар призмасида тартиблаш мумкин. Маълумки, “алоҳида олинган грамматик шакллар (аникроғи, феъл шакллари) сўзловчининг нутқий жараён структурасини қандай ифодаламоқчилигига кўра турли маъноларни англаштириш мумкин ва ушбу маънолар нафақат инглиз тилшунослиги, балки умумий тилшуносликда ҳам грамматик аспект атамаси остида бирлашади. Ушбу грамматик аспектлар феълдаги турли суффикслар, замон қўшимчалари ва предлоглар қўшиш орқали ҳосил бўлади” (4, 9). Грамматик аспект атамаси остида даражаланган маъно турлари, гарчи грамматик шакл орқали ифодаланса-да, ушбу маъноларни семантик нуқтаи назардан таҳлил қилганда, улар ҳаракатнинг тарз маъноларини ҳам атаб келиши мумкинлиги аниқланади. Инглиз тилшунослигида куйидаги грамматик аспектлар ажратилган: *perfective aspect* — жараёнлилик аспекти ўз ичида *ingressive aspect* (бошланганлик аспекти), *progressive aspect* (давомийлик аспекти)

ва *egressive aspect* (тугалланганлик аспекти)ни қамраб олади. Шунингдек, грамматик аспектлар сирасида *iterative* ёки *repetitive aspect* ҳам мавжуд, бу ўзбек тилидаги такрорийлик маъносига тўғри келади (4, 29). Ушбу грамматик аспектларни атаб келувчи истилоҳларни тарз ифода воситаларини семантик тартибда ҳам қўллаш ўринли. Бунда аспект маънолари остида феълга хос бўлган грамматик шакллар эмас, тарз маъносини ифодаловчи лексемаларни жойлаштириш имкони мавжуд. Сабаби “семантик нуқтаи назардан, аспектлар ҳолат ёки ҳаракат феълнинг муҳим кўрсаткичидир ва улар ҳаракат феълнинг тарз маъноларини субкатегория сифатида фреймлашга хизмат қилади” (5, 9). Албатта, ушбу табақаланишдаги маъно турлари барча тарз маъноларини ўз ичига қамраб ололмайди. Шу сабабдан, тарз лексемаларининг семантик хусусиятини ўрганиш масаласига мавжуд қолиплар асосида эмас, балки лексемаларнинг нутқдаги семантик вазифасидан келиб чиққан ҳолда субъектив ёндашиш, фикримизча, мақбул ечим бўла олади.

Инглиз тилидаги ҳаракат феълларини тарз маъносини бевосита ва билвосита англатишига қўра иккига ажратиш мумкин. Қуйида ҳаракат феълларининг “тарз” маъно белгисига қўра икки гуруҳини берамиз:

PERFECTIVE ASPECT – ЖАРАЁНЛИЛИК МАЪНОСИ	
Тарз маъносини аниқ ифодаловчи феъллар	Тарз маъносини ноаниқ ифодаловчи феъллар
<i>Ingressive aspect</i> – ҳаракатнинг бошланиши	
<i>to start, to launch, to commence, to begin, to initiate, to incept</i>	<i>to enter, to open, to dive, to plunge, to rally, to blossom, to spring, to tempt, to appear, to lead, to found, to maintain, to bloom, to dawn, to aim, to lit</i>
<i>Progressive aspect</i> – ҳаракатнинг давомийлиги	
<i>to continue, to proceed, to prolong</i>	<i>to beg, to date, to work, to build, to write, to read, to record, to accelerate, to assemble, to battle, to boil, to cease, to chatter, to cook, to craft, to dig, to distribute, to climb, to walk, to hike, to dance, to slow, to quiver, to serve, to flow</i>
<i>Egressive aspect</i> – ҳаракатнинг тугалланганлиги	
<i>to end, to finish, to over, to cease, to complete</i>	<i>to solve, to reach, to fade to arrive, to fix, to graduate, to win, to land, to intercept, to invent, to limit, to pass, to find, to come, to seal, to cover, to tie, to shut, to sign, to deliver</i>
<i>Repetitive aspect</i> – ҳаракатнинг такрорийлиги (узлуклиги)	
<i>to repeat, to recur, to revise to pause, to interfere</i>	<i>to alternate, to bother, to blink, to come, to shuffle, to sway, to swing, to burble, to jingle, to beep, to shake, to rattle, to ventilate, to wave, to brush, to fluctuate</i>
<i>Instantaneous aspect</i> – ҳаракатнинг сонъявийлиги	
<i>to rush, to hurry</i>	<i>to flip, to flash, to blast, to stumble, to knock, to swallow, to collapse, to hit, to bonk, to clang, to glance, to glimpse, to dash, to throw, to jerk, to switch, to shoot, to toss, to note, to wink, to strew, to burst, to thunder</i>
<i>Self-centered aspect</i> – ҳаракатнинг ўзига қаратилганлиги	
<i>to get, to take, to gain, to achieve, to possess, to acquire</i>	<i>to grab, to accept, to attract, to invite, to interpret, to borrow, to choose, to profit, to obtain, to buy, to purchase, to bargain, to occupy, to overtake, to inherit, to benefit, to see, to receive, to revenge, to sack, to manipulate, to administer, to manage, to choose, to select, to earn, to capture</i>
<i>Inconclusive aspect</i> – ҳаракатнинг нотўлиқлиги	
<i>to quit, to stop</i>	<i>to waive, to reject, to abandon, to leave, to refuse, to dismiss, to deviate, to abandon, to drop</i>

Бунда биринчи гуруҳ феъллари тарз маъносини аниқ ифодалайди ва улар бир-бирига маъносига кўра парраллел ёки зид бўла олади. Албатта, улардан қай бирини танлаш ва қўллаш матн мазмунига таъсир этмаса-да, унинг услубини ўзгартириши мумкин. Масалан: 1. *Quinn had almost immediately **started moving** her left foot — that was a good sign, the doctors said — and **began working** tirelessly on moving her left leg and arm* (H. Harlow “Friend for Life”¹). — *Квин дарҳол чап оёғини ҳаракатга келтира **бошлади** — бу яхши белги, — дейишиди ишфокорлар, — шундай дея тиним билмай қизнинг чап оёғи ва қўлини ҳаракатлантириши устида ишлай **бошлади*** (H. Harlow “Friend for Life”). 2. *Kendra is the only one of them who goes along with the lone billionaire genius idea, Foseie still thinks there are aliens somewhere waiting to take over Earth once the robots have **completed** their work* (A. Irvine “The Legend of Wolfgang Robot killer”). — *Уларнинг орасида фақат Кендрани ҳақиқий даҳо дейиши мумкин, Фозе деганлари эса аллақердада ўзга сайёраликлар Ерни босиб олиши илинжида, роботлар ўз юмушларини **туғаллашларини** кутиб туришибди деган хом хаёлларга ишонади* (A. Ирвин “Қотил робот Вольфганг ҳақида афсона”). 3. *Sweet jerked his shoulders so Will had to release him, but he **continued walking** alongside awhile all the same* (G. Spatz “Hit Me”). — *Свит йигитнинг елкасини силтаб итариб юборди, Вилл эса уни қўйиб юбориши ўрнига яна бир муддат илгаригидек ёнма-ён юришида **давом этди*** (Г. Спатз “Мени туртиб юбор”). 4. *But before I could, a godawful scream started up back there and we both **rushed** through the kitchen and out the door* (B. Hinshaw “Brazil and Back”). — *Ҳали улгурмасимдан орқадан қичқириқ эшитилди, иккимиз ҳам аввал оишонадан, сўнг эшикдан **шошиб чиқдик*** (Б. Хиншоу “Бразилияга саёҳат ва қайтиш”). 5. *I didn't understand any of it, but I could hear a pattern, some calls **repeated**, new ones added.* (R. Hood “These Are Good Indians”). — *Айтилган гаплардан бирортасини тушунмадим, қулгимга алланималар чалинар, баъзи гаплар **такрорланар**, баъзан янги гаплар қўшилди*. 6. *Elmo could not forget what his hands had done and **stopped** eating* (A. Fuentes “The Burial of Fidelia”). — *Элмо шу қўллари билан нималар қилиб қўйганини эслаб овқат ейишдан **тўхтади*** (A. Фуентес “Фиделианинг дафн маросими”).

Тарз маъносини ноаниқ ифодаловчи феълларнинг синонимик имкониятлари чекланган. Уларнинг луғавий маъноси таркибидаги тарз маъноси нутқда бутунлай ўзгариб кетиши мумкин. Ушбу бирликларни маънодош сўзлар сифатида бир-бирининг ўрнида истисносиз қўллаб бўлмайди. Қолаверса, гарчи бир-бирига қарама-қарши маъно гуруҳлари остида бирлашган бўлса-да, бу лексемаларни маъно жиҳатидан бир-бирига зид дейиш ҳам мумкин эмас. Масалан: 1. *In those days, the houses were **built** with courtyards slicing out their centers* (S. Chyu “If You'd Only Look”). — *Ўша пайтларда уйлар ҳовлининг қоқ ўртасида **қуриларди*** (С.Чю “Қарай олганинда эди”). 2. *Bess and Jamie have said nothing since the pickup truck **arrived** and now they're standing a few steps away from True and Shade and Liv* (D. Coates “Girls Who Never Stood a Chance”). — *Юк машинаси **етиб келгандан бери***

¹ Мисоллар бадиий адабиётлар, газета журналлар матнидан олинди. Қавс ичида манбаси кўрсатилди.

Бесс ва Жейми лом-мим дейишмади, ана улар сал нарида Тру, Шейд ва Ливдан бир-икки қадам узокроқда тик туришибди (Д. Коутс “Бахти кулмаган қизлар”). 3. *“Please... Her English deserted her. She switched to Spanish”* (S. Thornton “Border Crossing”). — «Илтимос...қиз гўё инглиз тилини унутиб юборгандек, тили айланмай қолгач, испанчага ўтиб олди (С. Сорнтон “Чегарадан ўтиш”). 4. *On the bedside table was the tooth I grabbed it and walked downstairs, cold wood creaking under every step* (B. Shattuck “Scrimshaw”). — Ётоқ ёнида бир тиш тушиб қолганди, дарҳол олиб ёғоч тиллапояларни гичиллатганча настга туша бошладим. (Б. Шаттук “Скримшоу”). 5. *I left my job because it was like heating a pot of water with a match and waiting around for it to boil.* (L. Horiuchi “Bones”). — Мен ишимни ташладим, сабаби ишимда қолаверишим ҳудди қумгонга сув тўлдириб олдига гугурт қўйиб қўйганча қутишга ўхшарди (Л. Хоручи “Кемиклар”).

PERFECTIVE ASPECT – ЖАРАЁНЛИЛИК МАЪНОСИ	
Ingressive aspect – ҳаракатнинг бошланиши	Egressive aspect – ҳаракатнинг тугалланганлиги
<i>initially, firstly, insensibly, startlingly</i>	<i>finally, lastly, hardly, easily, effortlessly, successfully, completely, totally, fully, wholly</i>
Progressive aspect – ҳаракатнинг давомийлиги	Instantaneous aspect – ҳаракатнинг сониявийлиги
<i>gradually, moderately, languidly, slowly, continuously, instantly</i>	<i>Quickly abruptly rapidly suddenly hastily, briefly, suddenly, unexpectedly</i>
Self-centered aspect – ҳаракатнинг ўзига қаратилганлиги	Repetitive aspect – ҳаракатнинг такрорийлиги (узлуклилиги) қаратилганлиги
<i>selfishly, attentively, gratefully, thankfully, intentionally, presumptuously</i>	<i>always, again, twice, once, usually, occasionally, sometimes, rarely, seldom, often, never</i>
Inconclusive aspect – ҳаракатнинг нотўлиқлиги	
<i>irrelevantly, still, yet, carelessly, divertingly, partly</i>	

Ҳаракат феълларидан фарқли ҳолда тарз ифодаловчи равишлар бир-бирига синоним ёки антоним бўла олади. Чунки улар тарз маъносини аниқ ифодалайди.

Маълумки, лингвистик маълумотларни тизимлашда тилнинг иерархик қурилиши асос қилиб олинади. Бу қурилиш тил сатҳлари дея номланувчи турли қатламлардан ташкил топган, уларнинг ҳар бири ўз ичига турли бирликларни ва уларнинг қўлланилишига оид қонуниятларини қамраб олади (6, 11). Аммо биз эътиборимизни тарз маъносининг турли сатҳларда қандай воситалар ёрдамида ифодаланиши таҳлиliga эмас, балки лексик қатлам бирликларининг турли сатҳлар доирасидаги имкониятларини ёритишга қаратмоқдамиз. Юқорида тарз маъноси лексик қатламда ҳаракат феъллари ва равиш сўз туркумига оид лексемалар орқали ифодаланиши айtilди. Лексемаларнинг морфологик хусусиятлари сирасига эса феълларнинг турли замон шакллари воситасида ўзгариши, равишлар ва ҳаракат феълларининг даражаланиш хусусиятларини киритиш мумкин.

Даставвал, замон шаклларига тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ. Инглиз тилшунослари замон ва грамматик аспектларни бир-бирига чамбарчас боғлиқ тил ходисаси сифатида баҳолайдилар. Хусусан, замон ва грамматик аспект ҳақида келтирилган кўплаб таърифлар ичида қуйидагиси ўзининг яхлит

ва аниқлиги билан ажралиб туради: “Замон бу ҳаракатнинг кечган макони ва вақтини аниқлаб берувчи категория. Аспект эса ҳаракат, жараён ва воқеаларнинг вақтинчалик ички тузилишини грамматик қолипга солишдир” (7). Умуман олганда, барча Ғарбий Европа тилларида бўлгани каби инглиз тилида ҳам замон-тарз-майл категориялари нутқда бир-бирини тақозо этувчи ажралмас ҳодиса дея баҳоланиши мумкин. Бу учликка тилшунослар қуйидагича таъриф беришади: “*tense — aspect — mood*, яъни замон — аспект — майл грамматик тизимида замон тилнинг вақтдаги жойлашуви, аспект вақтнинг, маълум бир ажратиб олинган фурсатнинг кечиш тарзи, майл ёки модаллик ҳаракатнинг бажарилиши юзасидан мажбурият, зарурат, кодирлик ва эҳтимол каби турли маъноларни ифодалашга хизмат қилади” (8). Аммо замон ва тарз категориясини айнан бир хил дейиш мумкин эмас. Зеро, тарз фақат ҳаракатга хос бўлган белги. Яъни тарз маъноси фақат ҳаракат феъллари семасида мавжуд, бошқа тарз ифода воситалари ҳам гапда ҳаракат феъли билан муносабатга киришади. Замон шакллари эса нафақат ҳаракат, балки ҳолат феълларининг ҳам грамматик белгиси ҳисобланади. Қуйида тарз маъносига эга ҳаракат феълларининг морфологик хусусияти замон категориясининг нутқда ифодаланишига доир мисолларни кўздан кечирамиз: 1. *He said he was going to Marshall's, and headed out into the snow without a jacket* (В. Shattuck “Scrimshaw”). — *У Маршалникига кетаётганини айтиб камзулсиз кўчага чиқиб кетди* (Б. Шаттук “Скримшоу”). 2. *He was gone for hours, I assumed playing video games and getting drunk, which was fine with me* (В. Shattuck “Scrimshaw”). — *Унинг кетганига бир неча соат бўлди, бирор видео ўйин ўйнаб, ичиб маст бўлсаммикан деб ўйлаб қолдим.* (Б. Шаттук “Скримшоу”).

Маълумки, инглиз тилида феъл замонлари анча кенг қамровли категориядир. Ўзбек тилидан фарқли равишда фақатгина кўшимчалар, яъни суффикслар билан чегараланиб қолмайди ва замон маъносини ифодалашда *have, do, will, used to, to be, would* каби кўмакчи шакллардан ҳам фойдаланилади. Албатта, бу шакллар ҳаракатнинг давомийлиги, тугалланганлиги ёки сониявийлиги каби тарз маъноларини ҳам ифодалайди ва бунга юқоридаги мисоллар яққол далил бўла олади.

Замон категориясига нисбатан қиёсланганда даражаланиш анча тор қамровли. Тарз лексемаларининг ушбу морфологик хусусияти, асосан, уларнинг сониявий ёки узлуксиз кечганига ишора қилади. Ҳаракатнинг ўзига қаратилганлиги ёки нотўлиқлигини ёритишига доир ҳолатлар эса камдан-кам учрайди. Хусусан, *more, less, far more, again, very, too* каби даражаловчи бирликлар ҳаракат феъллари билан бирикиб, ҳаракатнинг такрорийлиги, сониявийлиги, давомийлиги каби маъноларни билдиради. Масалан: 1. *She still oscillated up and down, but more slowly, and less steeply* (J. Moyer “The Equationist”). — *У ҳануз гоҳ юқорига, гоҳ мастга тебранар, бироқ тебранишлари анча секин ва сал тикроқ эди* (Ж. Мойер “Ҳакам”). 2. *Susan was disappointed — but then her heart started beating quickly again* (J. Sawyer “Triggers”). — *Сюзаннинг ҳафсаласи тир бўлди, лекин салдан кейин юраги яна тез ура бошлади* (Ж. Соёр “Ҳоҳишлар”). 3. *Clean this, clean that. Is this your house, or mine, anyway? I asked and, miffed, clutched the broom too fiercely, swished the dust cloth like*

skirts in an arrogant tango (A. Frucht “Polly's ghost”). — *Уни тозала, бун тозала. Бу ўзи сизнинг уйингизми ёки мениким? Шундай деганча пишқириб супургини **шаҳд билан** қўлимга олдимда чанг кўтариб супира бошладим* (А. Фрушт “Поллининг арвоҳи”). 4. *Erance, the losses were high and when the flare run was made across the target you would see the Stirlings and HaHfaxes and Lancasters **blowing up very suddenly...*** (S. Donaldson “Bomber Boy”). — *Дарҳақиқат, йўқотишлар катта эди, атроф гала-говурига бироз кўникиб нишонга синчиклаб тикилганда **Хахфакс** ва **Ланкастерларнинг бир зумда** тумтарақай бўлаётганини кўриши мумкин эди* (С. Доналдсон “Шумтака”).

Кўринадики, морфологик сатҳда лексемалар семантик жиҳатдан даражаланиши мумкин ва уларнинг даражасига кўра ҳаракатнинг интенсивлиги, давомийлиги, такрорийлиги каби маъно турлари англашилади. Бироқ ушбу равишлар нафақат ҳаракат, балки ҳолат феъллари билан ҳам бирикиб ҳолатнинг жараёнлигига ҳам ишора қила олади.

Тарз маъносига эга ҳаракат феъллари бошқа тилларда бўлгани каби инглиз тилида ҳам гапда, асосан, кесим вазифасини бажаради. Бундан ташқари, ҳаракат феъллари **-ing** кўшимчаси кўшилиб герундийга айланганда, инфинитив шаклдаги лексемалар эга ёки тўлдирувчи вазифасини бажаради. Сифатдош кўшимчаси **-ed** ёрдамида эса ушбу ҳаракат феъллари гапда аниқловчига айланади. Яъни инглиз тилидаги ҳаракат феъллари, бошқа тур феъллар каби синтактик полифункционалликка эга. Масалан: 1. *Since the prison is in Arizona and my friend lives here on the East Coast, **visiting** isn't easy* (J. Wideman “What we cannot speak about we must pass over in silence”). — *Қамоқхона Аризона штатида, дўстим эса Шарқий соҳилда яшайди, шу сабабдан кўргани **қатнаш** ҳам осон иш эмас* (Ж. Вайдман “Баралла айтолмаганимизни сукут ила англатамиз”). 2. *The same obliviousness that caused Rachel to look quizzically at **completed tasks**, as if she herself had not assigned them, caused her to gloss over charges from cities she hadn't been to* (S. Crosley “The clasp”). — *Гўё сал аввал ўзи белгилаб бермагандек, қиз яна айни шу яққол кўриниб турган аниқлик сабаб **бажарилган** вазифаларга ҳайратомуз қараб қолди* (С. Кросли “Қисқич”). 3. *He heard only his own nervous breaths, and Ben's **repeated** question* (D. Trump “Seizure”). — *Унинг қулоқларига ўзининг асабий нафас олиши ва Беннинг **қайтарилаётган** саволидан бўлак нарса кирмасди* (Д. Трамп “Тутқанок”).

Тарз маъносига эга равишлар эса гапда ҳол вазифасини бажаради ва ҳаракатнинг тарз маъносини англашишга ёки мавжуд тарз маъносини кучайтиришга хизмат қилиши мумкин. Масалан: 1. *Then he winked and **calmly stepped** out into the tainted and smelly warm water* (R. Reed “From Above”). — *Сўнг у кўз қисиб кўйиб хира, бадбўй, илқ сувга **оҳиста шўнгий бошлади*** (Р. Рид “Юқоридан”). 2. *Oh well, if his mother joined them that would be different. **Hesitatingly, he started moving*** (M. Stahlie “The Crystal Song”). — *Оҳ, кошки ҳозир оналари ҳам шу ерда бўлганида, бари бошқача бўларди, эҳтимол. **Йигит иккиланиб ҳаракатлана бошлади*** (М. Стейхли “Биллур кўшик”). 3. *She seemed to be one of those people whose faces **change constantly** in the light, so you never know who they actually are* (J. Burke “The Wild Side of Life”). — *Аёл вазиятга қараб **доимо тусини ўзгартириб турадиганлардан***

бўлиб чиқди, бундайларнинг асли кимлигини бир қараида билиб бўлмайди (Ж. Брук “Ҳаётнинг йиртқич қиёфаси”). 4. *They didn't have to release any policy statements on the subject of their broad-mindedness or their employment strategy or anything else that might concern the town they **had just bought*** (М. Ashby “Company Town”). — Улар ўзларининг кенг дунёқараишларини намоён этиши учун бирор сиёсий изоҳот беришига ҳам, аҳолини иш билан таъминлаш ҳақидаги режалари ҳақида гапиришига ҳам, **ҳозиргина сотиб олган** шаҳарчалари келажаги ҳақида сўзлашига ҳам ҳафсала қилишмади (М. Эшби “Корчалон шаҳарчаси”). 5. *Doris caressed John's arm on the counter, but John withdrew his arm **swiftly and looked away*** (O.Udenwe “John 101”). — *Дорис Жоннинг қўлидан тортқилади, лекин йиғит қўлини тортиб олиб, **дарров** четга қараб олди* (О. Уденве “Жон 101”).

Англашилганидек, ҳоллар гапда аниқ муқим ўринга эга эмас, улар бевосита кесимга ёндош бўлиб, ундан олдин ёки кейин қўлланилиши мумкин. Шунингдек, гарчи кам кузатилса-да, баъзи ҳолатларда ҳаракат тарзини ифодаловчи ҳоллар гап бошида ёки унинг охирида қўлланилиши мумкин. Гапда қўлланилиш ўрни нисбатан эркинлиги билан тарз маъносини ифодаловчи ҳоллар ҳаракатни англатувчи лексемалардан фарқланади.

Ҳаракат тарзи маъноларининг иккинчи гуруҳи ҳаракатни бажариш қобилиятини ифодалайди. Қодирлик ва синаш маънолари эса ушбу гуруҳга оид хусусий грамматик маънолар ҳисобланади. Улардан қобилият маъноси аксарият ҳолларда морфологик сатҳ воситалари ёрдамида ифодаланади. Жумладан, ўзбек тилида ҳаракат феълига **-а** равишдош кўшимчаси ёрдамида *олмоқ* ва *билмоқ* кўмакчиларини бириктириш орқали бирор-бир иш-ҳаракатни бажаришга кишида қобилият, салоҳият ёки имконият мавжудлигини ифодалаш мумкин. Инглиз тилида эса айни шу маънолар ҳаракат феълига *can, could, may, to be able to, to cope with* каби модал феъллар ва модал курилмалар воситасида ифодаланиши мумкин. Бироқ қобилият ва синаш маъноларини ифодаловчи воситалар фақатгина морфологик сатҳ доирасида чекланиб қолмайди. Ушбу маънолар ҳаракат феъллари ва равишлар орқали ҳам аниқ ва ноаниқ ифодаланиши мумкин.

ASPECT OF CAPABILITY – ҚОБИЛИЯТ МАЪНОСИ	
Тарз маъносини аниқ ифодаловчи феъллар	Тарз маъносини ноаниқ ифодаловчи феъллар
Aspect of ability – ҳаракатни бажаришга қодирлик	
<i>to manage, to cope, to tackle, to handle</i>	<i>to overcome, to solve, to afford, to match, to suit, to undergo, to bear, to endure, to survive</i>
Aspect of trial – синаш маъноси	
<i>to try, to test, to check, to seize</i>	<i>to experience, to evaluate, to assess, to examine, to measure, to estimate</i>

Юқорида қобилият маъносини ифодаловчи ҳаракат феъллари ҳам худди жараёнлилик маъноси жадвалида бўлгани каби аниқ ва ноаниқ турларга ажратилди. Оралиқ грамматик маънонинг таркибий қисми бўлган қодирлик ва синаш маънолари эса бир-бирига зид ҳисобланмайди. Демак, ушбу икки гуруҳга

ажратилган ҳаракат феъллари ҳам бир синонимик қаторда турмайди. Тарз маъносини аниқ ифодаловчилар туб луғавий маъносига кўра “синамоқ” ёки “қодир бўлмоқ” семасига эга, ноаниқ ифодаловчи воситалар эса бевосита “қодирлик” ёки «синаш» маъносини ифодаламайди. Уларнинг ушбу маънолари нутқда намоён бўлади. Масалан: 1. *The car reached the end of the street, turned onto the rutted path leading to the fields, and easily took the grade of Asphodel Hill* (M. Shalev “Esau”).

“Қодирлик” маъносини ифодаловчи равишлар эса фақат аниқ ифода воситаси ҳисобланади.

ASPECT OF CAPABILITY – ҚОБИЛИЯТ МАЪНОСИ
Aspect of ability – ҳаракатни бажаришга қодирлик <i>finally, lastly, effortlessly, easily, hardly, barely</i>
Aspect of trial – синаш маъноси <i>thoroughly, considerately, hesitatingly, doubtfully, carefully, precisely</i>

Хулоса. Юқоридаги таҳлиллардан маълум бўладики, инглиз тилида реал воқеликни лисоний акс эттириш жараёнида ҳаракат тарзини нафақат алоҳида семали сўз ёрдамида англиш, балки тарз маъносини бевосита ҳаракат феъли ёрдамида ҳам ифодалаш мумкин (9, 25). Морфологик қатламда ушбу ҳаракат феъллари ва равишлар даражаланиш хусусиятига эга, бироқ даражаланиш келтирилган барча лексемалар учун хос бўлавермайди. Масалан: 1. *She looks me up and down a little more carefully* (R. Benedict “All of Me”). — *Қиз менга бошдан оёқ сал синчиклаб разм солади* (Р. Беннедикт “Бутун борлигим”). 2. *There are times when I wish he “listened less attentively* (M. Skube “Relationships”). — *Баъзан, қанийди уни озгина эътиборсизроқ эшитсам эди деб ўйлаб қолардим* (М. Скуб “Муносабатлар”). 3. *I finished school and quite easily got into the screenwriting program of the Department of Film*. (I. Rozdobudko “The Button (an excerpt)”. — *Мактабни битириб кино факультетининг сценаристлик йўналишига анча осонгина кириб олдим* (И. Роздобуко “Тугма”). Бундан ташқари, қобилият маъносини ифодаловчи лексемалар семантик хусусиятига кўра полифункционал бўлиши мумкин. Яъни қобилият маъносини ифодаловчи воситалар айна вақтда ҳаракатнинг давомийлиги ёки тугалланганлиги каби маъноларни англишга хизмат қилади. Шундай бўлса-да, ушбу воситалар бир-бирига маънодош ёки зид маъноли бўла олмайди.

Синтактик вазифасига кўра ушбу сўзлар гапда асосан кесим ёки ҳол вазифасини бажаради. Шакл ясовчи қўшимчалар ёрдамида улар, шунингдек, аниқловчи, тўлдирувчи ва эга вазифаларини бажариши мумкин. Демак, синтактик хусусиятларига кўра тарз маъноларини ифодаловчи феъл ва равишлар тенг имкониятлар кўламига эга деган хулосага келиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Lebedeva N.B. Polysituational character of verbal semantics (based on the Russian prefixed verbs) — Tomsk: Tomsk State University Publ., 1999. — 262 с.

2. Жирова И., Дмитриева О. К вопросу о семантике фразового глагола в английском языке. // Филологические науки. Вопросы теории и практики. — 2016. — № 7 (61). — С. 101–104.
3. Шукуров О. Ҳаракат тарзи шакллари парадигмаси. — Қарши: Насаф, 2017. — 102 б.
4. Declerck R., Cappelle B. *The Grammar of the English Verb Phrase — the Grammar of the English Tense System. Volume 1.* — Berlin: Meta systems, 2006. — 857 p.
5. Hwang J. *Making Verb Argument Adjunct Distinctions in English* — Colorado: Colorado University Press, 2011. — 58 p.
6. Балашова Л. Семантика. — Саратов: СГУ, 2011. — 112 с.
7. Comrie B. Tense. // *Journal of Linguistics.* — 1987. — Volume 23, Issue 1. — pp. 226 – 231.
DOI: <https://doi.org/10.1017/S0022226700011178>
8. Bybee L., Perkins R., Pagliuca W. *The Evolution of Grammar: Tense, Aspect, and Modality in the Languages of the World.* — Chicago: University of Chicago Press. 1994. — 398 p.
9. Келлер И. О характере признаков значений, имплицитных в семантике глаголов (на материале английского языка). // Вестник Томского государственного университета. — 2015. — № 394. — С. 25–29. DOI [10.17223/15617793/394/5](https://doi.org/10.17223/15617793/394/5)

References

1. Lebedeva N.B. *Polysituational character of verbal semantics (based on the Russian prefixed verbs)*, Tomsk: Tomsk State University, 1999, 262 p.
2. Zhirova I., Dmitrieva O. *Filologicheskie nauki. Voprosy teorii i praktiki*, 2016, No. 7(61), pp. 101–104.
3. Shukurov O. *Harakat tarzi shakllari paradigmasi* (Paradigm of forms of action style), Karshi: Nasaf, 2017, 102 p.
4. Declerck R., Cappelle B. *The Grammar of the English Verb Phrase – the Grammar of the English Tense System. Volume 1*, Berlin: Meta systems, 2006, 857 p.
5. Hwang J. *Making Verb Argument Adjunct Distinctions in English*, Colorado: Colorado University Press, 2011, 58 p.
6. Balashova L. *Semantika*, Saratov: SGU, 2011, 112 p.
7. Comrie B. *Journal of Linguistics*, 1987, No. 23, pp. 226–231.
DOI: <https://doi.org/10.1017/S0022226700011178>
8. Bybee L., Perkins R., Pagliuca W. *The Evolution of Grammar: Tense, Aspect, and Modality in the Languages of the World*, Chicago: University of Chicago Press, 1994, 398 p.
9. Keller I. *Vestnik Tomskogo gosudarstvennogo universiteta*, 2015, № 394, pp. 25–29. DOI [10.17223/15617793/394/5](https://doi.org/10.17223/15617793/394/5)